ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ · ХДП

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 16-fevral. Payshanba • 21 (32.236) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш жараёнига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида:

1. Тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

мажбуриятлар ва шартномалар, шу жумладан, халқаро шартномалар бўйича Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг («Ўзавтойўл» ДАК) ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

автомобиль йўллари соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб бориш;

автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг юқори транспорт-фойдаланиш даражасида бўлишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси ташкил этилсин.

6. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қурилиши юзасидан шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирок этиш;

йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб бориш.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика йўл жамғармаси маблағлари тушуми ҳамда сарфининг йиллик ва чораклик ҳисоботларини шакллантириш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номма-ном рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш.

8. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, Давлат божхона қўмитасига ва Ички ишлар вазирлигига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағларидан асосли ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юкланади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ва мукаммал таъмирлаш объектларини техник-иқтисодий асослашни (техник-иқтисодий ҳисоб-китобни), автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш объектларининг иш ҳужжатларини ва автомобиль йўлларини жиҳозлаш бўйича танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича буюртмачи функцияси Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар ҳисобланади, уларнинг миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этишни ҳамда 2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирларини назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 14 февраль*

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кўплаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2016 йил 6 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар фаол ва самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидандир. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини «яшил йўлак» орқали россиялик истеъмолчиларга етказишни ташкил этишга доир келишувлар имзоланган. Жорий йилда Россия бозорига 1 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар, шунингдек, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш мўлжалланган.

Ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 960 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 64 етакчи компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси билан бир қаторда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик саноати, фармацевтика, замонавий тиббий ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларида ҳам янги инвестициявий лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янги дастур ва битимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

Д.Козак самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

**2017 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон Президенти сайловидаги юксак ғалабаси билан самимий табриклаб, давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқотда сайлов натижалари Туркманистонда халқ фаровонлигини юксалтириш, мамлакатни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур ўйланган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларга туркман халқи юксак ишонч билдираётгани ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлгани қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашдилар. Туркманистон фаол ташқи сиёсат юритаётгани ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг ташаббуслари халқаро майдонда муваффақиятли амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар давлатлараро муносабатлар турли даражаларда сезиларли миқёсда фаоллашгани, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Томонлар Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукумат делегацияларининг амалий ташрифлари якунларини, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги ҳамкорликни ижобий баҳоладилар.

Давлат раҳбарлари икки қардош мамлакат ўртасида амалий ва очиқ мулоқотни жадал ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини тасдиқлаб, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар самарадорлигини янада ошириш учун мавжуд улкан салоҳиятни тўла ишга солишга тайёр эканини билдирдилар.

Мулоқот якунида Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовга мустаҳкам соғлик ва масъулиятли давлат раҳбари лавозимида улкан ютуқлар, Туркманистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Суҳбат давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги мулоқотга хос бўлган самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

Фракция фаолияти



## ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ: фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилди

**Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсманнинг 2016 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи эшитилди.**

Маълумки, қонунчилигимизда Омбудсманга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан Омбудсман Олий Мажлисга ҳисобот тақдим этади.

Маълумотларга кўра, Омбудсманга ўтган йили фуқаролар томонидан 9057 мурожаат бўлган. Ҳозирга қадар уларнинг 800 дан ортиғи ҳал этилиб, 2100 дан ортиғи назоратга олинган. Мурожаатлар таҳлили аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги юксалиб бораётганини кўрсатмоқда.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Мурожаатларнинг 31,1 фоизи ижтимоий ҳуқуқлар, 24,5 фоизи иқтисодий, 13,5 фоизи сиёсий, 0,5 фоизи экологик йўналишларда бўлган. Уларнинг аксарияти бандлик, соғлиқни сақлаш, таълим, турар жой, пенсия, ижтимоий таъминот масалалари билан боғлиқдир. Мурожаатларнинг самарали ҳал этилиши ижтимоий соҳадаги муаммолар ечим топишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари Омбудсман ҳисоботида келтирилган факт ва рақамларни атрофлича таҳлил қилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мурожаатларда кўтарилган ҳар бир масалага эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ЎзХДП фракцияси Омбудсман ҳисоботини қўллаб-қувватлади.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

### жамият ҳаётини янада демократлаштиришга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжатдир. Унда мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари илгари сурилгани учун ҳам халқимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

2

O‘ZBEKISTON OVOZI

www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ШАРҲ

Йўл хўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга экани унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий ривожи, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати айни шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида вилоятлар ва туманларнинг маъмурий марказларини боғловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатлараро хавфсиз транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини бошқариш тизими, автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишларига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўлларини бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.** Фармонда тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасини ташкил этиш назарда тутилади.

**Автомобиль йўлларини бошқариш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган давлат органи сифатида Давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:**

автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сиёсатни олиб бориш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

замонавий транспорт оқими шароитида автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, улардан транспортда фойдаланиш даражаси юқори бўлишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, сифат стандартларига риоя этилишини таъминлаш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

**Фармонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекциясини ташкил этиш назарда тутилган.**

Қуйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қурилиши бўйича шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирок этиш;

йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб бориш.

**Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилиб, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:**

Республика йўл жамғармаси маблағлари тушуми ва сарф-харажатларининг йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш.

Кенг қамровли автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, юксак халқаро талабларга жавоб берадиган транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транспорт йўлакларига кенг интеграциялашувини таъминлаш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва сақлашга йўналтириладиган давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга, йўл корхоналари тузилмасини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда:**

— Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳузурида Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекциясини ташкил этиш;

— «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ҳудудий бош бошқармалари этиб қайта ташкил этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳузурида минтақавий йўлларга буюртмачи хизматини белгиланган тартибда ташкил этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳузурида минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш назарда тутилади.

Шунингдек, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибига берилмоқда.

Айни вақтда қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг ҳолати билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда, ушбу автомобиль йўлларининг аксарият қисми белгиланган сифат ва хавфсиз ҳаракатланиш талабларига жавоб бермайди.

Янги турар жой мавзеларининг барпо этилиши, шаҳарларнинг кенгайтирилиши, транспорт воситалари сонининг жиддий кўпайиши минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини тубдан яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Туман ва шаҳарларнинг йўл ташкилотлари йўл-таъмирлаш техникаси, моддий-хомашё ресурслари билан етарли даражада таъминланмаган, ҳар йили ажратилаётган маблағлар хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини зарур даражада сақлаш ва таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаш учун етарли эмас.

Шу муносабат билан минтақавий автомобиль йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.**

Дастурда қуйидаги вазифалар назарда тутилган:

2017-2018 йилларда 5454 километр, жумладан, 2017 йилда — 2700 километр, 2018 йилда — 2754 километр хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 та йўл техникаси билан таъминлаш;

мавжуд республика хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овуллар кўчаларини босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ва уларни паспортлаштириш, бу борадаги ишлар натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 295 километр, Андижон вилояти бўйича — 324 километр, Бухоро вилояти бўйича — 439 километр, Жиззах вилояти бўйича — 222 километр, Қашқадарё вилояти бўйича — 679 километр, Навоий вилояти бўйича — 216 километр, Наманган вилояти бўйича — 309 километр, Самарқанд вилояти бўйича — 479 километр, Сурхондарё вилояти бўйича — 535 километр, Сирдарё вилояти бўйича — 267 километр, Тошкент вилояти бўйича — 516 километр, Фарғона вилояти бўйича — 520 километр, Хоразм вилояти бўйича — 321 километр ва Тошкент шаҳри бўйича — 332 километр йўллар ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган.

**Юқоридаги қарорларнинг амалга оширилиши қуйидаги масалаларни ҳал қилиш имконини беради:**

биринчидан, йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг замонавий тармоғини янада ривожлантириш;

иккинчидан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

учинчидан, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини ташкил этиш;

тўртинчидан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

бешинчидан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирларини тасдиқланган харажатларга мувофиқ ўз вақтида молиялаштириш;

олтинчидан, автомобиль йўлларини, айниқса, қишлоқ автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда янги тузилма, яшаш учун қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш;

еттинчидан, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ва касб-ҳунар коллежлари негизида, жумладан, бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида, лабораторияларда ва илмий-лойиҳа ташкилотларида амалий машғулотларни тизимли ташкил этиш йўли билан таълим сифатини оширишни таъминлаш ва, умуман, соҳа учун профессионал кадрларни тайёрлаш;

саккизинчидан, минтақавий автомобиль йўлларини сақлашга тегишли ходим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, йўлларни эксплуатация қиладиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

тўққизинчидан, автомобиль йўлларини паспортлаштириш ва йўлларнинг жорий ҳолатини акс эттирган ҳолда, электрон маълумотлар базасини яратиш.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

---

Ҳаракатлар стратегияси

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## жамият ҳаётини янада демократлаштиришга хизмат қилади

**Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши сифатида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлар номзоди, доцент Ойбек ТУРҒУНОВ билан ушбу йўналишда илгари сурилган ғоялар, қабул қилиниши режалаштирилаётган қонун ҳужжатлари ҳақида суҳбатлашдик.**



— Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларидан бирида: «...ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади. Кимки ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз буни асло унутмаслигимиз керак», деган эди, — дейди **Ойбек Турғунов.** — Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи бу фикр тўғрилигини тасдиқлаб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 14 декабрида бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида янги ва ғоят масъулиятли вазифалар ҳақида тўхталиб, «олдимизга қўйган мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди», деган фикрни алоҳида таъкидлади. 2017 йил 7 февралдаги Президент фармони ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси ушбу ҳаётий ҳақиқат асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишга жиддий тайёргарлик кўрилганини, Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими порталида жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ана шу мезонлар Ҳаракатлар стратегиясининг пишиқ-пухталигини таъминлади.

Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлашга оид фармонда қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ўтган асрнинг 90-йилларига қараганда, халқимизнинг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланди. Шундай бўлса-да, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолаётган эди. Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги муаммоларни бартараф этиш йўлида ташланган дадил қадамдир.

***— Кейинги пайтларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, ҳуқуқий асослар кучайтирилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида бу борадаги ишларни изчил давом эттириш бўйича қандай вазифалар белгиланган?***

— Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда бу борада кўп иш қилинди. Бугун давлат ва жамиятнинг ҳар бир жабҳасида парламент ва сиёсий партияларнинг ролини сезиларли даражада оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳамда 2016 йилнинг 14 декабрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантиришга қаратилган таклифларни илгари сурган эди.

Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш» деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда ҳам ушбу таклифларнинг ижро механизмлари назарда тутилган. Булар асосан давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг, давлат ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш масалаларида яққол кўзга ташланади.

Масалан, биргина жорий йилнинг ўзида «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунларга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларга ҳамда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг регламентларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Албатта, бу каби чора-тадбирлар парламент палаталарининг жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан самарали мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан янгилаш ва такомиллаштиришга, давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишдаги роли, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади.

***— Шу ўринда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

— Ҳаракатлар стратегиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда халқ билан мулоқот қилишнинг самарали механизмлари ва жамоатчилик назоратининг замонавий шаклларини жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, шу йилнинг ўзида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва унда белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга оширсак, мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаёти бундан-да яхшиланади, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга олиб чиқиш имкониятлари кенгаяди. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади, асл мазмун-моҳияти юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш ҳамда кафолатлашдан иборатдир.

Зеро, халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Фармон ва Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган эзгу мақсад ва ғояларнинг бекаму кўст ижроси кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг фаол иштирокимиз ва чуқур масъулиятимизга боғлиқ.

**Маъмуржон ПАРПИЕВ суҳбатлашди.**

---

2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТЛАРДА

## аҳолини ўйлантираётган муаммолар ҳал этилмоқда, депутат ва сенаторлар реал ҳаётни ўрганмоқда

**Чироқчи — нафақат Қашқадарё вилоятида, балки мамлакатимиздаги энг йирик туманлардан бири. Жами 71 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 380 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Асосан дон, пахта, чорва маҳсулотлари етиштирилади.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари туман қишлоқлари, аҳоли хонадонлари, мактаб, коллеж, тиббиёт муассасалари, меҳнат жамоаларида бўлишиб, ҳақиқий аҳволни ўргандилар. Муаммоларни ҳал этиш, тараққиёт режаларини амалга ошириш юзасидан ўз мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар.**



### ЮЗМА-ЮЗ

Февраль ойининг биринчи куни ҳаво булутли бўлди. Эртаси тонгдан ёмғир ёға бошлади. Қашқадарё вилоятидан сайланган депутат ва сенаторлар гуруҳларга бўлиниб, қишлоқларга жўнаб кетишар, уларга туман Кенгаши депутатлари ҳамроҳлик қилишарди. Шу пайт учрашувга келган ўрта ёш кишига кўзим тушди.

— Халққа шунчалик қайишаётган Президентимизга раҳмат, — дейди ҳаяжонланиб Жар қишлоғидан келган фуқаро **Абдусалом Зоҳидов**. — Мен депутатимиз Саттор Раҳматовга илтимос билан келдим. Ўғлим 2014 йилда темир йўл йўналишида олий ўқув юртини битирган. Аммо ҳануз ишсиз. Ишласа, элга, оиласига нафи тегса, дейман...

— Туманда темир йўл тармоғи яхши ривожланмаган, — дейди мурожаатни ёзиб олган **119-Чироқчи сайлов округидан депутат Саттор Раҳматов**. — Бу тармоқнинг юқори ташкилоти бор, малакали мутахассис ишсиз қолмайди...

Саттор Раҳматов қўшни Китоб туманидаги болалар поликлиникасининг бош шифокори эди. Бир неча бор бу депутатимизнинг сайловчилар билан ўтказган учрашувларида иштирок этганман. Депутат сайловчилар вакиллари ҳузурида қонунлар моҳиятини тушунтирар, савол бўлса, жавоб берарди. Аммо бугун давр ўзгарди. Талаб ҳам бошқача.

Саттор Раҳматов ва 122-Ғузор сайлов округидан депутат Комила Каромова билан бир гуруҳда эдим. Комила Каромованинг асл касби журналист эмасми, кўчалар, маҳаллаларда одамлар билан учрашар, илтимосларини ёзув дафтарига қайд қиларди.

Энди 40 ёшга кирган аёл мурожаат қилди. Ҳали 20 га тўлмаган ўғлини уйлантириш учун моддий ёрдам сўради. Яна янги уй ҳам керак экан. «Аввал ўғлингиз бирор касбнинг бошини тутсин, оилани боқадиган бўлсин, уйланиш қочиб кетмайди», дея депутат унга оила масъулиятини тушунтирди. Лекин боқиманда кайфиятдаги бундай қарашлар ҳамон учраётгани кишини ўйга толдиради.

— Хуш келибсиз, азиз меҳмонимиз бўлинг, — дейди Қирғиз қишлоғида яшаётган Боқи Нормуродовнинг рафиқаси **Барно Оқбоева**. — Нима етишмовчилик бор, дейсизми? Шукр, мол-ҳолимиз бор, ҳеч кимдан кам эмасмиз. Бир қиз ва уч ўғилни ўстираяпмиз, ҳаммаси меҳнаткаш.

— Отам туман нефть маҳсулотлари корхонасида ишларди. Ҳозир нафақада, — суҳбатга аралашади ўтган йили коллежни битирган Шерзоджон. — Ўринларига мени операторликка қабул қилишди. Аммо мен ўз бизнесимни очишни истайман. Олдинги йили ҳовлимизнинг катта кўчага қараган тарафида яхши иморат қурдик. Кредит олиб, таъмирлаймиз ва автомобилларни тузатадиган устахонага айлантирамиз...

— Албатта, ниятингизга етасиз, — дея суҳбатга аралашди **Халқ банки туман бўлими ходими Шоҳрухжон Ширинов.** — Бир йўла 7 миллион сўм кредитни 9 фоиз устама билан, фақат кафолат хати орқали оласиз. Ҳозиргача бу имкониятдан шу қишлоқдан 12 киши фойдаланишга қарор қилди.

Бу ҳам янги даврнинг фазилати — энди банк тадбиркорларни излаб келади. Мақсад — мамлакатимизни жадал юксалтириш, халқимиз турмушини янада фаровон қилиш. Депутат ва сенаторлар қишлоқларда, меҳнат жамоаларида турли банк ходимлари билан биргаликда кредит олиш, тегишли ҳужжатларни тайёрлаш юзасидан маслаҳат ҳам беришди.

— Бир неча кун ичида 60 дан ортиқ хонадонга кирдик, — дейди **120-Шаҳрисабз сайлов округидан сайланган депутат Феруза Эшматова.** — Ўзим ҳуқуқшунос бўлганим туфайли анча кишига ҳуқуқий маслаҳат бердим. Суҳбатлашганимизда, фермер Абдираззоқ Мейлиев жўяли таклифларни билдирди. Жар ва Додиқ қишлоқларида бўлдик. Шу жойдаги қишлоқ хўжалик коллежида давомат 85 фоиз экан. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида қийинчилик кўп. Ўқитилган айрим касбларга талаб кам. Туман марказидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази янада фаол ишлаши лозим. Бизга пенсионерлардан — Ойларгул Йўлдошева, Иззат Рўзиқулова ва бошқалар нақд пул камлиги, пластик картадан фойдаланиш қийинлиги ҳақида гапиришди. Уларга биз, бу муаммо Президентимиз томонидан ҳал этилганини айтдик.

— Одамлар Президентимизнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақа стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштириш ҳақидаги қарорини шоду хуррамлик билан кутиб олганига гувоҳ бўлдик, — дея ҳикоя қилади, сенатор — **Қарши туманидаги «Абдиев Мажид» фермер хўжалиги раиси Суюн Абдиев**. — Чунки пенсионерлар озгина нақд пул олиш учун 30-40 километр йўл босиб, банкларга боришар, соатлаб навбат кутишар экан-да. Кекса одамлар учун бу қанчалик қийин эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг?! Энди бу оворагарчиликларга барҳам берилади. Олмазор ва Қаҳрамон ҚФЙларга қарашли қишлоқлар аҳолиси дўконларда пластик карталар билан савдо қилиш қийинлигини тилга олишди. Хўш, улар қаерга боришади? Демак, бу масалани тез ва тўла ҳал қилиш лозим.

— Сиз хўжаликларга раҳбар бўлгансиз, ер билан тиллашиб, ишлаб келаяпсиз, — дейман унга. — Бу борада Чироқчида қандай яхши ишлар ёки камчиликларни пайқадингиз?

— Дарҳақиқат, бу масала асосий йўналиши деҳқончилик ва чорвачилик бўлган туман учун ниҳоятда муҳим, — дейди Суюн Абдиев. — Лалми ғалла етиштириш бўйича чироқчиликлар беназир. Минглаб гектар қақроқ ерларга сув чиқариб, плёнка остида эртапишар полиз маҳсулотлари етиштириш тажрибасини ўрганса арзийди. Чорвачилик ривожи учун имконият етарли. Суви мўл қишлоқларда томорқа хўжалиги яхши ривожланган. Масалан, Қаҳрамон қишлоғидаги Бозор Музаффаров ҳовлисидаги 2 сотих ерда иссиқхона яратиб, яхши даромад олибди. Анвар Жовлиев 60 бош қўйни сўқимга, Улуғ Яхшибоев 10 бош қорамолни бўрдоқига боқаяпти. Турмушлари яхши. Бир муҳим муаммога дуч келдик — Олмазор ҚФЙда ерости сувлари кўтарилиб бораётган экан. Нега? Сабаби шунда эканки, Чироқчи — Шаҳрисабз автомобиль йўлининг коллекторга туташ жойидаги еростига ётқизилган сув ўтказгич лойқаланиб тўлиб қолган. Мутасадди ташкилотлар бош қўшса, сув ўтказгични тозалаш, коллекторни қазиш, ерларни захлашдан қутқариш мумкин.

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенат аъзоси, Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги раиси Абдумурот Бозоров шундай дейди:**
— «Бир неча кун давомида Қалқама ҚФЙ ҳудудидаги қишлоқларни кўрдик. Зарафшон тизма тоғларига туташ қир-адирлар бағридаги қишлоқларда яшаётган аҳоли лалми ерда дон етиштираяпти, нон-насиба топаяпти. Шароит яратилса, кредитлар ажратилса, ҳар ишга қодир бу одамлар...»

### ЯХШИ ВА ЁМОН

Чироқчиликлар — ўсадиган эл. Айни пайтда тумандаги 178 умумтаълим мактабида 70 мингга яқин ўғил-қиз таълим олмоқда. Жами 16 коллеж ва 3 филиалда минглаб ўқувчилар турли касбларни ўрганишмоқда. Депутатларимиз ана шу таълим масканлари, тиббиёт муассасаларидаги аҳволни ҳам ўрганишди.

— Уйшун ҚФЙ ҳудудидаги туман кўп тармоқли поликлиникасининг бўлимини бориб кўрдик, — ҳикоя қилади Комила Каромова. — Биноси 70 йил олдин қурилган. Сув йўқ, хоналар иситилмайди, дори-дармон етишмайди. Айниқса, туғуруқхона учун умуман шароит йўқ. Врачлар етишмайди. Дўхтирлар маошлари ўз вақтида берилмаётганидан норози...

— Мен шу жойда туғилиб, ўсганман, — дейди **ЎзХДП Чироқчи туман кенгаши раиси Қўчқор Ғаниев**. — Ана шу кўримсиз шифохона 21 мингга яқин аҳолига хизмат қилиши керак. Камида 25-30 километр узоқликдаги марказий туғуруқхонага фарзанд кутаётган аёлни ўз вақтида етказиш осон эмас. Бир воқеа бўлганди. Ўзимнинг машинамда бир танишимнинг аёлини туғуруқхонага олиб боришга тўғри келди. Кўргуликни қарангки, ўша аёлнинг машинада кўзи ёриса бўладими. Яхшиямки, бирга келган кекса доя боланинг киндигини кесиб, онага ёрдам берди. Йўқ, бу жойдаги шифохона ва туғуруқ бўлимини тугатиб бўлмайди!

— Ҳеч ким масалани бу тарзда қўяётгани йўқ, — дейди Саттор Раҳматов. — Аҳволни ўнглаш, шароитни яхшилаш лозим. Бу кимга боғлиқ? Масалан, Уймовут ҚФЙга қарашли ҚВП 10 минг аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Мослаштирилган бинода жойлашган. Хоналар иситилган, лаборатория, автоклуб ишлаяпти. Одамлар рози. Аммо 8 киши ўрнига 3 врач ишлаётган экан. Нега бу жойда аҳвол анча яхши?

— Чунки раҳбарлари масъулиятни яхши ҳис қилишаяпти, — дейди Комила Каромова. — Аммо Уйшун ҚФЙдаги «Оқ олтин» қурилиш коллежининг филиалида бутунлай бошқача манзарани кўрдик. Давомат илгари 51 фоиз экан, ҳозир 71 фоизга кўтарилганмиш. Майли, бунда ўзгариш бор, деб ҳисоблайлик. Бироқ икки қаватли бино иситилмайди. Тикиш машинаси бўлмаса, тикувчилик бўлими ўқувчилари нимани ўрганишади? Автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича кўргазма ускуналари етишмайди.

Депутатлар яна бир қанча ўқув даргоҳларида бўлишди. Кўз кўради, юрак ҳис қилади, дейишади. Айни ҳақиқат бу. Қирғиз қишлоғидаги 220 ўринли бир қаватли 36-мактаб биноси 2002 йил қурилган. Депутатлар билан бирга борганимизда давомат 95 фоиз экан. Лекин синфхоналар яхши иситилаётганига гувоҳ бўлдик. Фақат мактаб кутубхонасида эса бадиий адабиётлар етишмайди. Қоратепа қишлоғидаги 615 ўринли қурилиш коллежида масъулиятни яхши ҳис қиладиган раҳбар ва ўқитувчилар меҳнат қилишаяпти. Хоналар яхши иситилган, тоза-озода, давомат 90-92 фоиз. Машғулотларга сабабсиз келмай қолишларга қарши қатъий курашилар экан. Коллеж Германия давлатининг гранти асосида замонавий тикиш машиналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Айниқса, олий ихтисосли қурувчи ва моҳир дурадгор раҳбарлик қилаётган устахона депутатларимизга маъқул бўлди. Барча зарур дастгоҳлар бор.

— Шогирдларим орасида қобилиятли дурадгорлар кўп, — дейди ёшларнинг жонкуяр устози Шермат Ҳасанов.

Бироқ 13 қишлоқдан қатнаётган ўқувчилар транспорт воситаси камлигидан машғулотларга кечикишаётган экан. Наҳотки, қўшимча қатнов учун маршрут очиш иложсиз бўлса?..

### ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Эсимда, 1989 йилнинг 10 ноябрида Биринчи Президентимиз Республика Олий Кенгашига сайлов арафасида Чироқчи тумани меҳнат аҳли билан учрашган, мен бу ҳақда «Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг 14 ноябрь сонида «Эл хизмати осон эмас» сарлавҳали мақола эълон қилган эдим. Ўшанда ҳукумат раҳбари тараққиётдан анча орқада қолган Деҳқонобод ва Чироқчи туманларини ривожлантириш учун алоҳида қарор тайёрланаётганини тилга олган эди. Яна меҳнат фахрийси Рўзимурод Жомуродов сўз олиб, «кадрларни танлашда адашмаслик керак, муносиб одамлар ишбошига келсин», деб кўпчиликнинг дилидаги тилакни айтган эди.

Ўша йили ҳукумат қарори чиқиб, анча тиббиёт муассасалари, мактаб, савдо марказлари қурилган эди. Аммо булар денгиздан томчи эди. Мустақиллик йилларида ободончилик кўлами кенгайди, янги мактаблар, коллежлар қурилди. Айниқса, кейинги уч йилда қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Давлатга дон, пахта сотиш шартномалари ошириб адо этилди. Ўтган йили 5 миллион доллардан ортиқ маҳсулот экспорт қилинди. Ободончиликка эътибор кучайди. Ташландиқ жойда янги болалар истироҳат боғи барпо этилди. Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаганлар хотирасига ёдгорлик монументи ўрнатилди. Чироқчи шаҳрининг бош лойиҳаси тайёрланди. Марказий деҳқон ва озиқ-овқат бозори қайтадан қурилди. Очиғи, бу сингари ибратли ишлар анчагина.

«Барчамиз аҳил, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилсак, янада яхши натижаларга эришамиз», дейди Қирғиз МФЙ раиси Диёр Бозоров.

— Бу янги давр талаби, — дейди қатъият билан депутат Комила Каромова. — Биргина Чироқчини эмас, балки мамлакатимизни жадал тараққий эттириш учун ташаббус ва ҳамжиҳатлик сув ва ҳаводек зарур. Мен партиямиздан туман кенгашига сайланган депутатимиз, фермер Сайдулла Ботиров билан суҳбатлашдим. У 7 гектар боғ яратибди, ўтган йили 10 гектар жойга қовун экиб, экспортга маҳсулот жўнатибди. «Сизлар билан одамларнинг хонадонига кириб, уларнинг ҳаёти ва орзулари билан яқиндан танишиб, янги-янги режалар туздим», дейди у.

Ҳа, депутатларимиз ўзлари танишган мавзеларда яхши ишларни кўришди, кўпгина муаммоларни аниқлашди. Айниқса, таълим масканларини иситиш масаласи, Чироқчига келтирилаётган кўмирнинг сифатсизлиги кўп учрашувларда айтилди. Ички йўлларни таъмирлаш талаб этилмоқда.

Умуман олганда, тарихий воқеа юз берди. Халқ билан бу тарзда ошкора, юзма-юз мулоқот миллий давлатчилигимизнинг янги давридир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг ҳамжиҳатлиги ислоҳотларни изчил амалга ошириш учун ниҳоятда зарур ва ҳаёт тақозоси.

Мамлакатдаги энг йирик туманлардан бири — Чироқчининг бундан кейинги тараққиёти ва аниқланган муаммоларнинг ечими нималарга боғлиқ? Бу масалалар биргаликда тайёрланган тавсияларда ўз аксини топди. Ва улар халқ депутатлари Чироқчи туман Кенгаши сессиясида ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов иштирок этди ва кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Чироқчи туман ҳокими Равшан Комилов ўрганилган муаммоларни бартараф этиш учун барча имкониятлар ишга солинишини таъкидлади, таклиф ва тавсиялар учун парламент аъзолари ва депутатларга миннатдорлик билдирди.

Сессияда туманни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Уларда умид, орзу ва ишонч ўз ифодасини топган. Хулоса шундай:

— Эл хизмати осон эмас, аммо шарафли.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Парламент аъзоси минбари



*Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,*
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,*
*ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

## Ҳудудлардаги учрашувлар

### ҳар томонлама фойдали бўлди

**Юзма-юз мулоқот ўтказиш, мурожаатларни эшитиш, муаммоли масалаларни жойида ҳал қилиш ёки бу борада таклифлар тайёрлаш депутатлар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам ғоят фойдалидир.**

Парламент аъзолари билан бирга, Наманган вилоятининг Чуст туманида аҳоли вакиллари билан очиқ мулоқотлар ўтказиб қайтдик. Учрашувлар жараёнида аниқланган масалаларнинг 400 га яқини жойида ҳал этилди. Қолганлари бўйича тегишли идораларга кўрсатмалар берилди. Республика даражасидаги масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши сессиясида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди ва қарорлар қабул қилинди.

Энг муҳими, бу жараёнларда аҳолини ўйлантираётган масалалар билан яқиндан танишдик. Уларнинг ташвишлари, таклифларини эшитдик.

Фаолиятим йўналишидан келиб чиқиб, тумандаги касб-ҳунар коллежларини ўргандим. Чуст педагогика коллежида ўқиш бир сменада ташкил этилган, бу ерда 1145 нафар йигит-қиз таълим олади. Ўқув хоналарининг иситилиши электр таъминотига боғлиқ. Ўқув биноси индивидуал қозонхонага эга. 26 компьютердан 10 таси ишламайди. Муаммоларни бартараф этиш бўйича йўлланган мурожаат асосида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси мазкур коллежга зарур жиҳозларни етказадиган бўлди.

Чуст саноат транспорт касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс марказида бадиий адабиётлар, дарсликлар етишмайди. Компьютер жиҳозлари ва компьютер хонаси керак. Бу масалани ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрланди ва туман ҳокимияти, ҳудудий бошқармаси ҳамда тегишли вазирликка юборилди.

Чуст педагогика сервис касб-ҳунар коллежи биносининг иситиш тизимини яхшилаш учун локал қозонхоналар ўрнатишга пул маблағлари ажратилишини вилоят касб-ҳунар коллежлари бошқармаси ўз зиммасига олди.

Амалий машғулот ўтказиш учун енгил автомобиль билан таъминлаш ҳам бошқарма томонидан ҳал этиладиган бўлди. Коллеж ҳудудида автодром қуриш масаласини ҳал этиш юзасидан туман ҳокимлигига таклиф киритилди.

Ишчи гуруҳимиз фаолияти давомида Олий Мажлис Сенати раиси Нигматилла Йўлдошев ва Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хатамжон Кетмонов ҳам туманга келиб, аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказди.

Берилган таклифлар асосида қишлоқлардаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази бинолари қайта таъмирлаш дастурига киритиладиган бўлди. Шоён, Каркидон қишлоқларида қўшимча электр трансформаторлари ўрнатилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам сайловчилар билан ишлаш тажрибаси, фаоллиги ошди, дейишга асослар етарли. Вилоят ва туман партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор тубдан ўзгарди.

Бизнинг мақсадимиз, вазифамиз халқ манфаатини ҳимоя этиш билан боғлиқ. Амалга ошириладиган барча ишларимиз аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, жамиятни ривожлантиришга хизмат қилишдан иборат бўлмоғи зарур. Одамлар биздан амалий натижалар кутяпти. Ҳар бир депутат бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмоқда.

---

Мамлакатимизни жадал тараққий эттириш учун ташаббус ва ҳамжиҳатлик сув ва ҳаводек зарур.

O'ZBEKISTON OVOZI
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

# ШЕРОБОДДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий зиёратгоҳида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам яқиндан танишди.**



Давлатимиз раҳбари ўтган йили Исо Термизийнинг бой меросини чуқурроқ ўрганиш ва ёшларимиз қалбига сингдириш, ушбу муқаддас қадамжони обод қилиш, бу ерда зиёратчилар учун зарур шароит яратиш юзасидан бир қатор топшириқлар берган эди.

Куни кеча эса Президентимизнинг «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Шерободдаги улуғ муҳаддис мангу қўним топган манзил шу кунларда янада гавжум. Бу ерда Президентимиз ташаббуси билан кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Барпо этилаётган мажмуада муҳташам масжид ва бошқа хизмат бинолари қад ростламоқда. Инфратузилма объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари барпо этилмоқда.

Мақбара тўлиқ таъмирланиб, атрофи девор билан ўралади. Бугунгача 4,5 километр ички йўлларга асфальт ётқизилди.

Бунёдкорлик ишларида 400 нафардан ортиқ ишчи қатнашмоқда. Улар орасида Тошкентдаги «Ижод-Ижод» корхонаси ҳамда «Ижод чашмаси» лойиҳа институти ходимлари ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирар экан, бу жойни янада обод масканга айлантириш, ҳамда зиёратчиларга қулай шароитлар яратиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Қурилиш ишларида Сурхон меъморлик мактаби анъаналарини сақлаш зарурлиги қайд этилди.

Исо Термизий 824 йилда таваллуд топган. 20 ёшга етганида Исҳоқ Ибн Раҳвайҳ Марвозий ва бошқалардан илм ўрганган. Кейинчалик 25-26 ёшида Ироққа бориб, у ердаги алломалардан дарс олган.

Термизий даври ҳижрий III асрга тўғри келади. Бу давр ҳадис илмида юксалиш юз беради. Кутуби ситта — олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифи бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб, камол топган. Исо Термизий Имом ал-Бухорийнинг замондоши, сафдоши ва шогирдидир. Ал-Бухорий ўз шогирди имом Термизийни алқаб: «Сен мендан фойда топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ фойда топдим», дейди.

> Куни кеча Президентимизнинг «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ат-Термизий ҳадислар таҳлилига жуда катта эътибор беради. Ҳар бир ҳадиснинг сиҳҳат ва заъф — саҳиҳлик ва заифлик даражасини аниқлайди. Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Мақдусий буюк ватандошимиз Термизий ҳақида бундай дейди:

«Ҳиротда имом Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида Термизий ва унинг китобидан гап кетганида айтдики, «Менинг учун Термизийнинг китоби, Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки Бухорий ва Муслим китобларидан фақат мутахассис олимларгина истифода этади. Абу Исо-Термизийнинг китобидан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг турли ўлкаларни кезганлари Хуросон, Ироқ, Ҳижоз олимларини тинглаганлари «Ат-таҳзиб» китобида баён этилган. Унинг «Сунан» китоби ҳақида Ибн Асир ўз тарихида ёзади:

«Термизий имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ қилди. Ал-Жомеъ ул-Кобир (катта тўплам, яъни Сунани Термизий) бу асарларнинг энг мукаммалидир».

Ислом илмларининг тараққий этишида Туркистон шаҳарлари орасида Термиз кенти ҳам муҳим ўрин тутган. Самарқанд ва Бухорони Балх каби қадимий илм маркази билан боғловчи шаҳар бу Термиз эди. Шунинг учун ҳам бу ерда кўплаб алломалар етишиб чиққан. Шулардан бири Ҳаким Термизий бўлиб, у киши 400 дан ортиқ асар ёзган ва уларнинг олтмишга яқини бизгача етиб келган.

Ҳадисшунос Исо Термизий 250 ҳижрий йилда ўз юртига қайтиб келади. Манбаларда айтилишича, у зотнинг асарлари орасида «Ал-Жомеъ» асари катта аҳамиятга эга. Бу асар «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-Жомеъ ал-кабийр», «Саҳиҳ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» номлари билан ҳам юритилади. Имом ат-Термизий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва шу жойда дафн қилинган.

Исо Термизийнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-шамоилу-н-набавийя» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Аш-шамоил Муҳаммадия», «Аш-шамоил фи шамоили-н-набий саллолоҳу алайҳи ва саллам» номлари билан ҳам аталади.

Биринчи Президентимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган ҳикматни кўп такрорлаган эди. Шу маънода ислом оламида донғи кетган Исо-Термизий мероси қадрланиб, у мангу қўним топган зиёратгоҳ табаррук масканга айлантирилаётгани халқимизнинг аждодлар хотирасига юксак эҳтиромининг яна бир ёрқин ифодасидир.

**Абди ҚОДИРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ватан ҳимояси — олий шараф

**Навоий шаҳридаги йиғин пунктида бир гуруҳ йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш тадбири бўлиб ўтди.**

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КУЗАТУВ



ЎзА сурати.

Унда чақирилувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари, жамоат ташкилотлари фаоллари иштирок этди.

Фаррух Салимов ҳам ҳарбий кийим кийганидан беҳад хурсанд.

— Аскар бўлиш менинг энг катта мақсадим, — дейди у. — Ниятимга етиш учун мунтазам спорт билан шуғулландим. Коллежни аъло баҳоларга тугатдим. Бугун эса тенгқурларим қатори Ватан ҳимоясига отланяпман. Юртимиз тинчлиги учун бор куч ва ғайратимни сарфлайман. Сидқидилдан хизмат қилиб, ота-онам, дўстларим ишончини оқлашга ваъда бераман.

Бундай тадбирлар мамлакатимиздаги бошқа йиғин пунктларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хабарлар

## УМРА ЗИЁРАТИГА ҲОЗИРЛИК

*Жорий йилнинг баҳорги мавсумида 5350 нафар ўзбекистонлик зиёратчи Саудия Арабистонида умра ибодатини адо этади. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар бермоқда.*

Зиёратчиларни 20 февралдан 1 апрелгача бўлган даврда юбориш режалаштирилган. Режага биноан, ҳар бир гуруҳ Саудия Арабистонида 10 кун бўлади. Бунда 4 кун Мадинада, 6 кун Маккада зарур ибодатларни адо этиш назарда тутилган.

## АВТОБУСДА ҲАМ Wi-Fi БОР

*«Тошшаҳартрансхизмат» компанияси пойтахтдаги айрим автобус йўналишларида 4G технологияси бўйича интернетга Wi-Fi орқали уланиш имконияти яратилиши ҳақида хабар қилди. Wi-Fi Bus дастури UZMOBILE оператори билан ҳамкорликда амалга оширилади.*

Бир ҳафта ичида 10, 14, 24, 28, 51 ва 95-йўналишларда Wi-Fi ишга тушади (автобуслар эшикларига «Wi-Fi Bus» пешлавҳалари ўрнатилади). Шунингдек, «Тошшаҳартрансхизмат» йил давомида аксарият автобусларни интернет-ускуналар билан жиҳозлашни режалаштирган.

## «ЭКСПО — 2017»

*Ўзбекистон Остона шаҳрида жорий йилнинг 10 июнидан 10 сентябригача бўлиб ўтадиган Халқаро «ЭКСПО — 2017» ихтисослаштирилган кўргазмасида иштирок этади, дейилади «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма компанияси матбуот хизмати тарқатган хабарда.*

Унда 13 февраль куни Тошкентда Ўзбекистоннинг «ЭКСПО»да иштироки тўғрисидаги шартнома имзоланганлиги таъкидланган.

Остона шаҳри Халқаро кўргазмалар бюроси Бош ассамблеясининг 2012 йил ноябрдаги 152-сессиясида «ЭКСПО — 2017» ўтказиладиган жой сифатида танланган эди. Бу галги кўргазманинг асосий мавзуси «Келажак энергияси»дир. Маросимда 100 мамлакат ва 10 дан зиёд халқаро ташкилот вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

## ОРТИҚБОЙ ОТАНИНГ МУРОЖААТИ ИЖОБАТ БЎЛДИ

**Инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини билиш жуда муҳим.**

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан жойларда ўтказилаётган учрашув ва очиқ мулоқотларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг феврал ойи бошида Хоразм вилояти ҳокими, прокуратура, ички ишлар органлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари Шовот туманида бўлиб, аҳоли билан учрашган эди. Учрашувда аҳолига «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, ажратилаётган маблағлар, арзон нархда қурилиши режалаштирилаётган намунавий уй-жойлар, тиббий хизматларни яхшилаш, айниқса, дори-дармон маҳсулотлари нархини назоратга олиш механизмлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда аҳолини қийнаётган муаммолар бўйича мурожаатлар ўрганилди.

Мулоқотлар чоғида меҳнат фахрийси Ортиқбой ота Манглибоев у яшаётган Ўзбекистон қишлоғи ва атроф ҳудуддаги таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларида мавжуд адабиётларнинг аксарияти ўқув-қўлланмалардан иборат эканлиги, улар ўқувчи ва ўқитувчилар учун мўлжаллanганлигини таъкидлаб, қишлоқдошлари учун кутубхона ташкил қилиб беришда ёрдам беришни сўради.

Ортиқбой отанинг илтимоси ижобий ҳал этилди. Мурожаат юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарлари қарор қабул қилиб, қисқа фурсатда қишлоқ ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биносида янги кутубхона ташкил этилди.

Кутубхонанинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирок этди. Тадбирда аҳоли, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари моддий-техник базасини янгилаш, оилаларда, таълим муассасаларида китобхонлик анъаналарини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Эргаш Худойназаров. — Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Янги ташкил этилган кутубхонага 1 минг 300 дан ортиқ китоб келтирилди. Китоб фонди бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган китоблар, миллий ва жаҳон адабиёти намояндалари асарларидан ташкил топди.

— Алломалардан бири китоблар дунёсини уммонга ўхшатади, — дейди Ортиқбой ота Манглибоев. — Кутубхонадаги адабиётлар билан танишар экансиз, бугунги кунда китобат соҳаси юртимизда нақадар юксалганининг гувоҳи бўласиз. Мурожаатимнинг тез фурсатда ҳал этилганидан бутун қишлоғимиз аҳли мамнун бўлди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»
Производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 238
17554 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi - 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:05
Topshirilgan vaqti — 23:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Фахриддин ПАРПИЕВ
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6